

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг
2019 йил 2 февралда қабул қилинган
2310-III/КҚ-503-Ш-сонли
Кўшма қарорига
1-илова

**«Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар
бериш ва уларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ
(янги таҳрири)**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ваколатли давлат органларига «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом кўриб чиқилиш тартиби фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун хужжатларида, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун хужжатларида ҳамда бошқа қонун хужжатларида белгиланган электрон жамоавий мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон жамоавий мурожаат (мурожаат) – ваколатли давлат органларига «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон шаклда берилган мурожаат;

«Mening fikrim» веб-портали – фуқароларнинг ваколатли давлат органларига электрон жамоавий мурожаат бериш бўйича конституциявий хукуқлари рўёбга чиқарилишини таъминловчи маҳсус веб- портал;

ваколатли давлат органлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари;

электрон жамоавий мурожаат ташаббускори (мурожаат ташаббускори) – ваколатли давлат органига «Mening fikrim» веб-портали орқали мурожаат қилган, электрон жамоавий мурожаат берилган кунда ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

модератор – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти;

ишчи комиссия – «Mening fikrim» веб-порталига электрон жамоавий мурожаатни жойлаштириш тўғрисидаги ёки жойлаштиришни рад этиш ҳақидаги масалани дастлабки тарзда кўриб чиқиши учун ваколатли давлат органлари ва модератор вакилларидан жамоатчилик асосида тузилган орган.

4. Электрон жамоавий мурожаатни кўриб чиқишининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- электрон жамоавий мурожаатларга тезкор муносабат билдириш;
- коллегиаллик;
- халқ билан мулоқот;
- шаффоффлик.

5. Ушбу Низомга мувофиқ зарур миқдордаги овозларни тўплаган электрон жамоавий мурожаатлар уларнинг миқдоридан қатъи назар тенг аҳамиятга эга бўлади.

6. Мурожаатнинг мазмунида унинг моҳияти ва амалга оширилиш механизми баён этилган бўлиши керак.

Мурожаат ташаббускори унинг қайси ваколатли давлат органига йўлланганлигини қўрсатади.

7. Мурожаат давлат тилида ва бошқа тилларда берилади.

8. Мурожаатда мурожаат ташаббускорининг шахсига оид маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, электрон почта манзили, боғланиш учун телефон рақами) кўрсатилган бўлиши керак.

9. Мурожаат ташаббускорининг шахсига оид маълумотлар модератор томонидан фақат хизмат мақсадида фойдаланилади ва улар мурожаат ташаббускорининг розилигисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

10. Шахсга оид маълумотларнинг ишончлилиги учун мурожаатнинг ташаббускори жавобгар бўлади.

11. Қўйидаги масалалар мурожаатнинг предмети бўлиши мумкин эмас:

Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини ўзгартириш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва солиқлар ҳақидаги;

амнистия ва афв этиш тўғрисидаги;

амалдаги конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш ҳақидаги;

жамиятнинг маънавий қадриятларига путур етказадиган, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини поймол қиласдиган;

уруш, зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб қилиш, миллатлараро, ирқий, диний адоват, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни қўзғатиш тўғрисидаги;

террорчилик ҳаракатларини содир этишга, қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишга даъват қилиш ҳақидаги;

гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва уларнинг аналогларини, шунингдек прекурсорларни тарғиб қилиш тўғрисидаги;

порнографик тусдаги ахборотни тарғиб қилиш ҳақидаги;

реклама тусидаги маълумотларни илгари сурадиган;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган;

жамоат тартибини, ахоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашга доир фавқулодда ҳамда шошилинч чора-тадбирлар тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилишини ўзгартириш ҳақидаги;

ваколатли давлат органининг ваколатларига кирмайдиган;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва терговни амалга оширувчи органларнинг, судларнинг ваколатларига кирадиган;

мансадбор шахсларни тайинлаш (сайлаш) ва озод қилиш билан боғлик бўлган;

шахсий эҳтиёждан ёки шикоятдан иборат бўлган;

туҳматдан ёки бўхтондан иборат бўлган;

мазмуни ва маъносига кўра веб-порталга келиб тушган, жойлаштирилган мурожаатларга ўхшаш бўлган ёхуд қабул қилинган пайтидан эътиборан бир йиллик муддат ўтмаган, ваколатли давлат органининг қарори қабул қилиб бўлинган;

ваколатли давлат органига нисбатан аниқ талабларни назарда тутмайдиган;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги;

давлат органлари ва ташкилотларини тузиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳақидаги;

шаклига, мазмунига ва маъносига кўра қонун хужжатлари билан тартибга солинган қоидаларга ўхшаш бўлган.

12. «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштирилган мурожаатлардан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

2-боб. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

13. Фуқароларнинг «Mening fikrim» веб-портали орқали ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

14. Мурожаат қилиш ҳуқуқи ихтиёрий равишда амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилиш ёки уларга қарши чиқиши ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

15. Мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, шунингдек жамият ва давлат манфаатларига зид келмаслиги керак.

16. Мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситилишига йўл қўйилмайди.

17. Ваколатли давлат органлари мурожаатлар кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун чоралар кўриши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, қонуний манфаатлари ва

эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

18. Мурожаат қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, бундан ушбу Низомнинг 2, 6 ва 11-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ушбу Низомнинг 8-банди талабларига риоя этмаганлик ҳам мурожаатни «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштиришни рад этишга сабаб бўлиши мумкин.

19. Мурожаат кўриб чиқилаётганда мурожаат ташаббускорининг розилигисиз унинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

Мурожаат ташаббускори тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлаштиришга йўл қўйилмайди.

20. Мурожаат ташаббускорини, унинг оила аъзоларини мурожаат берилиши муносабати билан таъқиб этиш тақиқланади.

3-боб. Мурожаатни бериш ва кўриб чиқиш тартиби

21. Ваколатли давлат органига мурожаат бериш учун фуқаро id.gov.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтади ва мурожаатни «Mening fikrim» веб-порталида шакллантиради.

22. «Mening fikrim» веб-портали мурожаатни камида беш нафар кишидан иборат гурух қўллаб-куватлаши учун овоз йигиши мақсадида маҳсус ҳаволани мурожаат ташаббускорига жўнатади.

Қўллаб-куватловчи зарур миқдордаги овозлар сони йиғилган тақдирда, мурожаат ушбу Низомнинг 2, 6, 8 ва 11-бандларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида модератор томонидан экспертиза ўтказиш учун қабул қилинади.

23. Модератор ўн беш кун ичida мурожаатни экспертизадан ўтказади.

Ишчи комиссия модераторнинг экспертизасидан кейин мурожаатни «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштириш тўғрисида ёки жойлаштиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди. Ишчи комиссия ўз ишига илм-фаннынг турли соҳаларидаги мутахассислар ва экспертларни жалб қилишга ҳақли.

24. Модератор мурожаатнинг маъноси бир хил тушунилишини таъминлаш мақсадида тўғри ёзиш қоидалари талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мурожаатни турлича талқин этиш имконини истисно этадиган тарзда унинг матнини таҳрир қилишга ҳақли.

Мурожаат ташаббускори мурожаат «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштирилгунга қадар унинг матнини таҳрир қилиш натижалари ҳақида модератор томонидан хабардор этилади.

25. Мурожаат Ишчи комиссиянинг ижобий қарори асосида модератор томонидан «Mening fikrim» веб-порталига бир иш куни ичida жойлаштирилади.

26. Мурожаатни «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштириш рад этилганда мурожаат ташаббускорига рад этиш сабаблари тушунтирилган тегишли билдириш бир иш куни ичida юборилади.

Модератор ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш мақсадида жойлаштирилиши рад этилган мурожаатларни «Mening fikrim» веб-порталига рад этиш сабабларини тушунтирган ҳолда жойлаштиришга ҳақли.

27. Мурожаат «Mening fikrim» веб-порталида жойлаштирилган сана мурожаат бўйича умумий овоз бериш бошланган сана деб ҳисобланади.

28. Умумий овоз бериш мурожаатнинг матни «Mening fikrim» веб-порталида жойлаштирилган кундан бошлаб тўқсон кун ичида ўтказилади.

Мурожаат бўйича умумий овоз бериш қўллаб-қувватловчи зарур миқдордаги овозлар сони тўпланганидан кейин тугалланган деб ҳисобланади.

29. Мурожаат бўйича умумий овоз бериш «бир одам – бир овоз» принципи бўйича ўтказилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номига йўлланган мурожаат камида ўн мингта қўллаб-қувватловчи овозни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари номига йўлланган мурожаат камида беш мингта қўллаб-қувватловчи овозни, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари номига йўлланган мурожаат камида мингта қўллаб-қувватловчи овозни тўплаши керак.

31. Қўллаб-қувватлаб берилган зарур миқдордаги овозлар сонини тўплай олмаган мурожаат овоз беришни ўтказиш муддатлари ўтгач, қўллаб-қувватланмаган деб ҳисобланади ва «Mening fikrim» веб-порталининг архивига ўтказилади.

32. Қўллаб-қувватлаб берилган зарур миқдордаги овозлар сонини тўплаган мурожаат модератор томонидан кейинги иш кунидан кечиктирмай ваколатли давлат органига юборилади.

33. Мурожаатни кўриб чиқиши ва у бўйича қарор қабул қилиш тартиби ваколатли давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи тегишли норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

34. Ваколатли давлат органининг мурожаатни кўриб чиқиши бўйича мажлисига мурожаат ташаббускори таклиф этилиши мумкин.

35. Зарур миқдорда қўллаб-қувватловчи овоз тўплаган мурожаатни кўриб чиқиши ва у бўйича қарор қабул қилиш муддати мурожаат ваколатли давлат органига келиб тушган пайтдан эътиборан олтмиш кундан ошмаслиги керак.

36. Ваколатли давлат органи томонидан мурожаатни кўриб чиқиши натижалари бўйича қабул қилинган қарор модератор томонидан «Mening fikrim» веб-порталига жойлаштирилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Мурожаатни бериш ва кўриб чиқиши чоғида юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

38. Ушбу Низом нормаларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.